



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сагдиева Махбубахон Рустамовна,

"Агробанк" АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси

Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

Gmail: mahbubasagdiyeca@gmail.com

*ORCID:*0009-0000-0207-0561

IMPROVING DIGITALIZATION OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Sagdieva Makhbubakhan Rustamovna,

"Agrobank" ATB Kashkadarya regional office

Head of the Personnel Department

Gmail: mahbubasagdiyeca@gmail.com

*ORCID:*0009-0000-0207-0561

JEL Classification: E50, E58

Аннотация. Мақолада банк тизимида рақамли технологияларни ривожлантириш, уни тадбиқ қилиш, банк хизматларини такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар натижасида банк тизимида инновацион технологияларни қўллашнинг назарий ва амалий асослари, унга таъсир этувчи омиллар, мамлакат тиждорат банклари томонидан бу йўналишда олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар ёритилган. Банк тизимини рақамлаштириш шароитида банк инновацияларини ривожлантириш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Банк бизнесини янада такомиллаштириш мақсадида, кичик ва йирик молиявий технология компаниялари миждорларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун "сунъий ақл-идрок" (артифисциал интеллигенсе) ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиб келмоқда. Бу эса, мақолада миллий иқтисодиётимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали

Тиждорат банкларида инновацион хизматларни иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан юқори аҳамиятга эга бўлган инструмент сифатида, янги технологиялардан фойдаланилган ҳолда, банк томонидан миждорларга қулай, ихчам, оммабон хизматлар маждумини яратиш имкониятлари очиб берилган.

Abstract. The article develops directions for the development of digital technologies in the banking system, its implementation, improvement of banking services. As a result of the research, the theoretical and practical basis for the application of innovative technologies in the banking system, the factors affecting it, the practical measures taken in this direction by the country's commercial banks are covered. Scientific and practical recommendations have been developed on the development of banking innovation in the context of digitization of the banking system.

In order to further improve the banking business, small and large fintech companies are increasingly using artificial intelligence and digital technologies to

improve customer service. Therefore, the article reveals the possibilities of creating a set of convenient, compact, popular services for its customers by using new technologies, using innovative services in commercial banks as an instrument of high importance from the point of view of economic growth through the development of the digital economy in our national economy.

Калит сўзлар. Банк, мижоз, инновация, рақамли иқтисодиёт, банк тизими, масофавий хизмат, трансформация.

Key words. Bank, client, innovation, digital economy, bank system, remote service, transformation.

Кириш. Тадқиқотларга кўра, мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятини рақамлаштириш, ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш, инсон ва ахборот ресурсларининг ўзаро таъсири имкониятларини кенгайтиради, бу орқали эса инновациялар ўсиб боради ва тизим ривожланади. Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Банк бизнесини янада такомиллаштириш мақсадида, кичик ва йирик молиявий технология компаниялари мижозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун “сунъий ақл-идрок” (артифисиал интеллигенсе) ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланилмокдалар.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги

Фармони ўз вақтида қабул қилинган хужжат экани билан ғоят аҳамиятлидир.

Ф.У.Додиев ва Д.Р.Юсуповаларнинг фикрига кўра, “Республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари ўз фаолиятларини инновацион ривожлантиришга қаратаётган бир вақтда, молиявий технологияларни қўллаган ҳолда банк хизматларини кўрсатиш талаб даражасида эмас ва банкларнинг IT-платформалари молиявий хизматларни кўрсатувчи майдончага тўлик айланмаган”.

О.Меликов эса, “Банк технологиялари деганда банк фаолиятини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашнинг энг янги ёндашувлари, усуллари, воситалари йиғиндиси тушунилади” дея эътироф этади.

Ушбу муаллифлар ўз илмий ишларида рақамли иқтисодиёт даврида банк тизимида инновацион технологияларни кенг жорий этиш заруриятини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб, бу соҳадаги мавжуд янги тенденцияларни ижобий баҳолаганлар. Тадқиқотимизда бу соҳада инновацион технологияларни қўллашнинг назарий томонлари таҳлил этилиб, уларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Фикримизча миллий иқтисодиётдаги рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда банк инновациялари иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан юқори аҳамиятга эга бўлган инструмент сифатида, янги технологиялардан фойдаланилган ҳолда, банк томонидан мижозларига қулай, ихчам, оммабоп хизматлар мажмуи саналади.

Материал ва метод. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини рақамлаштиришни назарий ва методологик жиҳатдан хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кенг

тадбиқ қилинган бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Ф.У.Додиев ва Д.Р.Юсуповаларнинг фикрига кўра, “Республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари ўз фаолиятларини инновацион ривожлантиришга қаратаётган бир вақтда, молиявий технологияларни қўллаган ҳолда банк хизматларини кўрсатиш талаб даражасида эмас ва банкларнинг ИТ-платформалари молиявий хизматларни кўрсатувчи майдончага тўлиқ айланмаган”.

О.Меликов эса, “Банк технологиялари деганда банк фаолиятини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашнинг энг янги ёндашувлари, усуллари, воситалари йиғиндиси тушунилади” дея эътироф этади.

Ушбу муаллифлар ўз илмий ишларида рақамли иқтисодиёт даврида банк тизимида инновацион технологияларни кенг жорий этиш заруриятини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб, бу соҳадаги мавжуд янги тенденцияларни ижобий баҳолаганлар. Тадқиқотимизда бу соҳада инновацион технологияларни қўллашнинг назарий томонлари таҳлил этилиб, уларни қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Фикримизча миллий иқтисодиётдаги рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда банк инновациялари иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан юқори аҳамиятга эга бўлган инструмент сифатида, янги технологиялардан фойдаланилган ҳолда, банк томонидан миқдорларига қулай, ихчам, оммабоп хизматлар мажмуи саналади.

Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт даврида ҳисоб-китоб тизимида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги айрим иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари тақдим

этилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Натижалар. “Рақамли банк – инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартибларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади;”.

Ўзбекистон Республикаси банк сектори ривожланган мамлакатлардаги банк сектори каби олдинга қараб интилоқда. Хизмат кўрсатиш моделлари рақамли технологиялар (сунъий интеллект, блокчейн, P2P кредитлаш), шунингдек, интергацялашган тармоқ иқтисодиётининг ривожланиши натижасида сезиларли даражада ўзгармоқда. Банк инновацияларига бўлган талаб асосан унинг истеъмолчилари томонидан белгиланади. Истеъмолчиларнинг асосий талаблари банк операцияларини бажариш вақтини қисқартириш, уларни 24/7 режимида ишлаш имконияти, банк маҳсулотлари ва хизматларидан янада қулай фойдаланиш, ягона банк интерфейсидан фойдаланган ҳолда банк хизматлари билан бир қаторда бошқа хизматлардан ҳам фойдаланиш имкониятларини оширишдан иборат. Ўзбекистонда банк секторининг рақамли трансформацияси учун қулай шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида йилдан йилга масофавий хизмат кўрсатиш каналларидан фойдаланувчи миқдорлар сони ортиб бормоқда. Мамлакатимизда

мобил ва интернет банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 2020 йил 1 январ ҳолатига 10 153,4 мингтани ташкил этган бўлса, 2023 йил 1 январ ҳолатига бу курсаткич қарийб 3 баробарга ошиб, 30 001 мингтани ташкил этган.

Мамлакатимизда кенг функционалликга эга замонавий, қулай мобил ва онлайн иловалар бугунги кунда кенг тарқалган. Республикамиз банклари томонидан мижозларга мобил иловаларни тақдим этиш жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари банклари қатори банк операцияларини амалга ошириш имконини бермоқда. Хизмат кўрсатиш йўналишига қараб, мижозларнинг аксарияти 50 %и масофавий банк хизматларидан (шундан 20% и интернет банкинг, 15 %и мобил банкинг ва 45 %и ҳар иккала платформадан) фойдаланади. Бугунги кунда иқтисодий рақамлаштириш шароитида банк хизматларининг янги технологиялар ёрдамида кўрсатилиши аллақачон даврнинг асосий талаби бўлиб ҳисобланади.

Банкларда инновацион хизматлар яратилишининг асосий мақсади бўлиб, янги мижозларни жалб қилиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш ва шу билан бирга мавжуд мижозларни сақлаб қолишдан иборат.

Тижорат банклари учун рақамли трансформациянинг асосий мақсади бу харажатларни камайтириш ва амалиётларни тезлаштиришдир. Анъанавий банк хизматларини рақамлаштириш орқали янги филиалларда маҳсулот ва хизматларни сотиш нархини 40-60%га камайтириш имконини беради. Инновацион ривожланишнинг энг муҳим йўналишларидан бири инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш,

инновацияларни аутсорсинг қилиш ва ҳамкорликнинг бошқа шаклларида ИТ компаниялар билан ҳамкорликни ташкил этиш ҳисобланади.

Мунозара. Тижорат банклари фаолиятида янги хизмат турларини жорий этиш мижозларни банк хизматларидан фойдаланиш кўламини оширишга олиб келади. Бунда асосий муҳим вазифа янги хизмат турларини ташкил этишда инсон омили таъсирини камайтириш ва хизматлардан тезкор фойдаланиши имконияти мавжудлиги ҳисобланади. Банк хизматларидан тезкор фойдаланиш имконияти хизмат турларини рақамлаштириш орқали амалга оширилади. Бугунги кунда барча соҳалар каби банк соҳасида ҳам рақамлаштириш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Банк хизматлари оммабоплигини оширишда инновацион хизмат турларини сунъий интеллект, булутли ҳисоблаш, улкан маълумотлар каби замонавий рақамли технологиялардан фойдаланишга асосланган SupTech технологияси ва бошқа замонавий ИТ технологиялардан фойдаланган ҳолда жорий қилиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Ҳозирда, банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборатлигини инобатга олиб, аҳолида банк тизимига нисбатан ишончли шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралаштиришга чек қуйиш долзарб масала ҳисобланади.

Ҳар бир банк инновациялар билан ишлаши учун унинг ичида қулай муҳит яратилиши лозим. Бунга эса қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

Аниқ стратегия ва натижага йўналтирилган мақсадни белгилаш. Рақамли трансформация дастури қуйидаги элементларни ўз ичига олиши

керак: улкан мақсадлар, янги бизнес моделларини яратиш ва ривожлантириш жараёни, дастурни амалга ошириш харажатларининг аниқ ҳисоби, рақамлаштириш тадбирлари ва рақамли трансформациядан келиб чиқадиган хавфларни аниқлаш. Банклар, молиявий технологик компаниялар, нобанк ташкилотлар, телекоммуникация ва IT компаниялари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Фикримизча, республика банк тизимини рақамлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мамлакат тижорат банкларининг фаолиятига банк билан мижоз ўртасидаги муносабатларни тўлиқ рақамли майдонга олиб чиқиш имконини берадиган ва сунъий интеллект, булутли ҳисоблаш, улкан маълумотлар каби замонавий рақамли технологиялардан фойдаланишга асосланган SupTech технологиясини жорий қилиш керак.

SupTech технологияси тижорат банкининг капиталини ва соф фоизли

маржасини оптималлаштириш имконини беради ҳамда фаолиятидаги молиявий рискларни баҳолаш аниқлигини оширади.

Шунингдек, SupTech технологиясини қўллаган ҳолда банк хизматлари таннархига таъсир этаётган омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш мумкин.

2. Банк амалиётига мультибанк иловаларини жорий қилиш орқали мижозларга ўз ҳисобрақамларини он-лайн кузатиш, тўлов операцияларини амалга ошириш учун ҳисобрақам танлаш, кредитлаш шартларини таққослаш имконини бериш керак.

Мультибанк иловалари банк мижозлари учун юқорида қайд этилган қулай имкониятларни тақдим этгани ҳолда, тижорат банкига мижозларнинг молиявий операцияларига оид маълумотлардан фойдаланиш шаффофлигини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Фармони. 2020 йил 12 май
2. Dodiev F., Yusupova D. INNOVATIVE DEVELOPMENT OF BANKS IN UZBEKISTAN //International Finance and Accounting. - 2020. - Т. 2020. - №. 5. - С. 9.
3. Меликов О.М. Рақамли банк технологиялари ва уларнинг узига хос хусусиятлари ҳдмда улардан самарали фойдаланиш йўллари. //”Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, июл-август, 2021.
4. Gulyamov S. S. va boshq. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn tyexnologiyalari. O'quv qo'llanma 21-22 betlar .ТМІ 2019 yil -447 bet
5. Банковский менеджмент. Учебник / Под ред. д.э.н., проф. О. И. Лаврушина.